

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ НОДИР ХАТАМОВИЧ

**СОЦИАЛ МОБИЛЛИК – ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ
СИФАТИДА (СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ)**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по социологическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Sociological Sciences**

Ахмедов Нодир Хатамович

Социал мобиллик – Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ривожлантириш омили сифатида (социологик таҳлил)..... 3

Ахмедов Нодир Хатамович

Социальная мобильность как фактор развития малого бизнеса и частного
предпринимательства в Узбекистане (социологический анализ).....25

Akhmedov Nodir Khatamovich

Social mobility as a factor in the development of small business and private
entrepreneurship in Uzbekistan (sociological analysis).....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications

Список опубликованных работ49

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВ НОДИР ХАТАМОВИЧ

**СОЦИАЛ МОБИЛЛИК – ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА
ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ
СИФАТИДА (СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ)**

22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Sots23 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.moiti.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Абсалом Адилевич
социология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Фарфиев Бахрамджан Атхамджанович
социология фанлари доктори, доцент

Хасанов Тохиржон Абдурашитович
иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» декабрь соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, М.Исмоилий кўчаси 1-Г уй, Тел.: (71)-267-05-36, факс (71)-267-03-92); E-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com.

Диссертация билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (5- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, М.Исмоилий кўчаси 1-Г уй. Тел.: (71)-267-05-36, факс (71)-267-03-92 E-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com

Диссертация автореферати 2021 йил «6» декабрь кuni тарқатилди.
(2021 йил «3» декабрь даги 5-1 рақамли реестр баённомаси.)



Н.М.Эгамбердиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.Х.Абдураманов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.М.Содиқова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор тараққиёт гарови бўлган ўрта синфни шакллантирувчи бош омил саналади. Маълумотларга кўра, Европа Иттифоқида 23 миллиондан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб, аҳоли бандлигининг – 70 %, ЯИМнинг – 57 %ини таъминлаб бермоқда.¹ Хитойда 30 миллионга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг фаолияти деярли 75 % шаҳар аҳолисининг бандлигини таъминлаш билан бирга, мамлакат миқёсида корхоналарнинг 99 %ини ташкил қилмоқда ва ЯИМнинг 60 %ини етказиб бермоқда. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан социал мобиллик ва илғор технологияларни қўллаш имкониятларини ривожлантиришни тақозо этади.

Жаҳонда социал мобиллик, кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, тадбиркорликнинг ривожланиш омиллари, социал мобилликни мультидисциплинар ўрганилиши, замонавий жамиятларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиш тенденциялари, иқтисодий хулқ-атвор, тадбиркорлик фаолиятини бошқариш хусусиятлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ижтимоий муҳит, тадбиркорликда ирода ва қатъият, илғор давлатларда бизнес стратегияларини тадқиқ этиш методологиясини такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очишда давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар кўрилиб, иқтисодий ислохотларнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизимига эътибор қаратилмоқда «Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш! Ҳар бир ҳоким бюджетга кўшимча даромадларни таъминлаши учун ўзи изланиши, тадбиркорга шароит яратиш, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак. Битта тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатса ҳам бунга «фавқулудда ҳолат» сифатида қаралиши керак. Иқтисодий барқарорликнинг асоси рақобатбардош тадбиркорларни кўпайтиришдир»² – деган фикрни билдириб, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизимини яратиш заруратини алоҳида таъкидланмоқда. Айни пайтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг барқарор ва жадал тараққиётига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш орқали ёшларнинг социал мобиллигини таъминлашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқишга қаратилган тизимли тадқиқотлар олиб борилиши илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва

¹ Мировые тенденции развития предпринимательской деятельности в экономике зарубежных стран. <https://articlekz.com/article/15307>.

² Мирзиёев Ш.М. Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш. <https://uz.uz/uz/posts/shavkat-mirziyeev-yagona-y-limiz-tadbirkorlar-sonini-k-payti-08-01-2020>.

прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5690-сон, 2021 йил 21 мартдаги «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6191-сон фармонлари, 2019 йил 20 ноябрдаги «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитларни яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4525-сон қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Социал мобиллик – кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш омили сифатида ижтимоий-гуманитар фанлар объекти бўлиб қолмоқда. Бу борада дастлабки манбалардан саналган зардўштиликнинг муқаддас китоби «Авесто»да мулкрий муносабатлар махсус шартнома асосида юритилганлиги кўрсатилади. Мовароуннаҳрда тадбиркорликка давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралди. Биргина Амир Темур азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир кишини мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан афзал билган бўлса, ҳазрат Алишер Навоийнинг ўз ҳисобидан амалга оширган ишлари жаҳон миқёсидаги улкан сармоядорларга, ҳатто, ўзимиздаги янги мулкдорларга ҳам ибрат бўлмоқда³.

Хориж олимларидан Р.Кантильон⁴ (1680-1734), А.Смит (1723-1790), Жан-Батист Сей (1767-1832), Р.Коуз (1910-2013) ва бошқалар тадбиркорлик соҳасидаги жамики билимларни тизимлаштиришди ва унинг методологик асосини яхлит доирада тартиблади. М.Вебер, П.Сорокин, В.Зомбарт, Й.Шумпетер, П.Друкер, Людвиг фон Мизес, Ф.Хайек, А.Маслоу, Р.Май, К.Рожерслар иқтисодий хулқ-автор социологиясига асос солди ҳамда тадбиркорликни ирода ва қатъият маҳсули сифатида омилкор кишиларга хос фаолият тури, деб билди. В.В.Радаев, К.А.Антипьев, Е.В.Соколова, Ю.В.Зиньковский, С.В.Давлетчина, И.В.Долгорукова, А.Э.Далгатова⁵ тадқиқотларида бизнес ва тадбиркорлик ўрта синфни шакллантирувчи асосий манба сифатида талқин қилинди.

³ «Авесто». «Вандидод» қисми, 4 фарғард, 24-35 бандлари. – Б. 227; Темур тузуклари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – Б. 14; Темур тузуклари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – Б. 14; Назаров Б. Навоий ва замонамиз / Халқ сўзи. Online. <http://old.xs.uz/index.php/homepage/madaniyat/item/13085-1>.

⁴ Кантильон Р. Эссе о природе торговли в общем плане. – Москва: Мировая экономическая мысль, 2017; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Кн 5. – Москва: Соцэкгиз, 1962. – С. 588; Найт Ф. Х. Риск, неопределенность и прибыль / пер. с англ. – Москва: Дело, 2003. – 360 с.; Сэй Ж.Б. Трактат по политической экономии / Сост., вступ. ст. и коммент. М.К.Бункиной и А.М.Семенова. – Москва: Дело, 2000; Коуз Р. Фирма, рынок и право: сб. статей / пер. с англ. Б.Пинскера; науч. ред. Р.Капелюшников. – Москва: Новое издательство, 2007. – 224 с.; Коуз Р. Природа фирмы // Теория фирмы / Под ред. В.М.Гальперина. – СПб: Экономическая школа, 1995. – С. 11-32; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – Москва: Прогресс, 1985. – С. 159.

⁵ Мазкур ва бошқа манбалар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Мамлакатимизнинг социолог олимлари (М.Бекмурадов, А.Умаров, А.Холбеков, Т.Матибаев, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, Ф.Парманов, А.Сейитов, К.Каланов ва бошқалар) социал мобилликнинг умумконцептуал хусусиятлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини алоҳида социологик категориялар сифатида ўрганмоқдалар. Бунда ижтимоий-гуманитар фанлар вакилларининг (В.Алимасов, Ю.Манзаров, Н.Аннаева, А.Ўлмасов, С.Ғуломов, Ж.Ўрмонов, И.Ибрагимов, Д.Юлдашев, Ҳ.Абдурахмонов ва бошқалар) салмоғи ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда социал мобиллик, бизнес ва тадбиркорликнинг хусусий жиҳатлари кўп қиррали тадқиқотлар объекти сифатида олинган бўлса-да, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик етарли даражада ўрганилмаган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда социал мобилликни қўллаб-қувватлаш йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланиб, бу эса диссертант томонидан мазкур мавзунинг тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганилишига ундади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни социал мобиллик орқали таҳлил қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг генезиси ва институционал асосларини назарий-методологик таҳлил қилиш;

«кичик бизнес», «хусусий тадбиркорлик», «социал мобиллик» феномени хусусиятларини ўрганиш ва улар ўртасида ўзаро алоқадорлик омилларини тавсифлаш;

замонавий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда социал мобиллик ва социал лифт феноменини қиёслама ўрганиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий манфаатларини кафолатлаш тизими амалиётини социологик тадқиқ қилиш;

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда тузилмали-функционал баръерларни бартараф қилиш усулларининг ижтимоий заруратини социологик асослаш;

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда социал мобилликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда социал мобиллик омили ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини жадаллаштиришда социал мобилликни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик илмий тадқиқот тамойилларидан келиб чиққан ҳолда қиёсий таҳлил, анкета, кузатиш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш ҳамда юритишга доир ташаббусларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмларининг хусусиятлари («таълим тизими – меҳнат бозори – ёш тадбиркор» ўртасида интеграция, банд бўлмаган, ишга муҳтож аҳоли манфаатларини кўзлаб, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими фаолияти) очиб берилган;

рақамли технологиялар ривожланиши билан миллий маконда вужудга келган «рақамли тадбиркорлик»нинг вертикал ижтимоий-иқтисодий пиллапоя сифатидаги имкониятлари (социал мобиллик, социал лифт вазифасини ўташи) асосланган;

социал мобиллик жараёнларини янада жадаллаштириш, мобилликнинг янги канал ва стимуллари (хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш учун ижтимоий шериклик тизими имкониятларидан кенг фойдаланиш, махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш, имтиёзли кредитлар, субсидиялар бериш, солиқ юкини камайтириш) ёшларнинг ижтимоий ҳаракатчанлигини янада кучайтириш орқали такомиллаштирилган;

хусусий тадбиркорлик соҳасига киришган кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ижтимоий ҳаракатчанлиги, ўз ишини йўлга қўйишида дуч келаётган қийинчиликларни енгишда «Ҳар бир оила – тадбиркор» умуммиллий ҳаракатининг самарадорлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда социал мобилликни қўллаб-қувватлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

«кичик бизнес» «хусусий тадбиркорлик», «социал мобиллик» тушунчалари илмий ўрганилиб, улар ўртасида ўзаро алоқадорлик омиллари илмий-амалий тавсифланган;

замонавий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда социал мобиллик ва социал лифт феномени қиёслама ўрганилган;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий манфаатларини кафолатлаш тизимининг амалиёти социологик тадқиқ қилинган;

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда тузилмали-функционал барьерларни бартараф қилишда инновацияларнинг ижтимоий зарурати социологик асосланган;

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, пилотаж ҳамда кенг қамровли социологик сўров саволларини тузиш қоидаларига тўлиқ риоя этилгани, ҳар бир саволнинг назорат саволи билан текшириш таъминлангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларининг норматив-ҳуқуқий асослари ва уларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш жиҳатларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизими таркибида кичик бизнес субъектлари фаолиятига кенг имкониятлар яратиб беришга бағишланган мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан далилланади. Шунингдек, диссертация тадқиқоти ғоя ва материалларидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда, олий ўқув юртларида «Социология» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланиш имконияти мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида социал мобиллик омилларини тадқиқ қилиш асосида:

Ўзбекистонда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш ҳамда юритишга доир ташаббусларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмларининг хусусиятлари («таълим тизими – меҳнат бозори – ёш тадбиркор» ўртасида интеграция, банд бўлмаган, ишга муҳтож аҳоли манфаатларини кўзлаб, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими фаолияти) очиб берилганлигига оид хулосалардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг «Ёшлар қаноти» фаолиятида ўтказилган социологик сўровномада фойдаланилган. (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг сиёсий кенгаши Ижроия Кенгашининг 2021 йил 25 январдаги 01-27/79-сонли далолатномаси);

рақамли технологиялар ривожланиши билан миллий маконда вужудга келган «рақамли тадбиркорлик»нинг вертикал ижтимоий-иқтисодий пиллапоя сифатидаги имкониятлари (социал мобиллик, социал лифт вазифасини ўташи) асосланганлигига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 13-бандида нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг аҳоли қатламларини

тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш дастури давлат жамғармаси ҳисобидан танлов асосида 5 йил муддатга, жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади» деб белгиланган бандини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2021 йил 26 январдаги 04-05/167-20-сонли далолатномаси). Ушбу Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ижтимоий шериклик тизими самарадорлиги ўтказилган эмпирик тадқиқотлар асосида очиб берилганлиги Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг фаолиятида ўз самарасини берди;

социал мобиллик жараёнларини янада жадаллаштириш, мобилликнинг янги канал ва стимуллари (хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш учун ижтимоий шериклик тизими имкониятларидан кенг фойдаланиш, махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш, имтиёзли кредитлар, субсидиялар бериш, солиқ юкини камайтириш) тавсиялардан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2017 йилда «Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳити тадбиркорлар нигоҳида» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлардаги анкета «В» блокида 5 та, «С» блокида 4 та саволларни тузишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2021 йил 22 январдаги 01-16/24-сонли далолатномаси). Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган сўровноманинг ушбу шакли социологик сўровда илк бор экспериментал тарзда ўтказилди ва Марказ фаолиятига жорий қилинди.

хусусий тадбиркорлик соҳасига қадам қўйган кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ижтимоий ҳаракатчанлик жараёнлари, ўз ишини йўлга қўйиш чоғида дуч келаётган қийинчиликларни енгишда «Ҳар бир оила – тадбиркор» шиори остида амалга оширилаётган умуммиллий ҳаракат самарадорлигига оид тақлифидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган тизимини самарали жорий этиш бўйича ўтказилган социологик сўровномада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 25 февралдаги 02-02/412-сонли далолатномаси). Шу билан бир қаторда, диссертант томонидан мамлакатимиздаги бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида социологик тадқиқотлар ўтказилди. Сўровлар давомида хусусий тадбиркорлик соҳасига қадам қўйган кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ижтимоий ҳаракатчанлик жараёнлари, ўз ишини йўлга қўйиш чоғида дуч келаётган қийинчиликлари, «Ҳар бир оила – тадбиркор» шиори остида амалга оширилаётган умуммиллий ҳаракат жойларда қай тарзда амалга ошаётгани каби масалаларга оид катта ҳажмдаги контент материаллар тўпланди ҳамда таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларни чоп

этишга тавсия этилган нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 2 таси хорижда, 7 та тезис, шундан 2 таси халқаро конференция материаллари тўпламида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 165 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республикамиз фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолият тури сифатида ривожланишининг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида тадбиркорликнинг фаолият тури сифатида институционаллашувининг назарий-методологик асослари ҳамда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини илмий ўрганишда ретроспектив ёндашув амалга оширилган, социологик нуқтаи-назардан «кичик бизнес», «хусусий тадбиркорлик» ва «социал мобиллик» тушунчаларининг ўзаро алоқадорлиги очиқ берилган ҳамда Ўзбекистондаги кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш хусусиятлари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлаштириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади». Ушбу кўрсатмаларни рўёбга чиқариш мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий негизига айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик ва кичик бизнес кишилиқ жамияти пайдо бўлган даврлардан бошлаб ижтимоий-иқтисодий фаолият тури сифатида мавжуд бўлиб келмоқда. Шу сабабли, тадбиркорликнинг ривожланиб боришида ретроспектив (бир қараш, ўтмишга мурожаат) таҳлил муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик меҳнат тақсимооти билан чамбарчас боғлиқ экан, қадимги даврларданок у омма ичида ақлий салоҳияти юқори, удабурон кишиларга хос фаолият тури сифатида ривожланиб келган. Тадбиркорлик фаолиятига хос бўлган айирбошлаш, пул, нарх, савдо, тушум каби ҳодисалар қадимги Бобилда Хамураппининг тош битикларида тилга олиниб, муҳим савдо марказларида савдо-сотик ишлари «дамкар» номини олган айрим

тадбиркор-бойлар кўлида жамланган. Антик давр мутафаккири, улуғ Платон таълимотларида ўз даври тadbиркорлигининг жамият, давлат ва ижтимоий муносабатлар кесимидаги таҳлили берилар экан, унда тadbиркорлик фаолияти қонун орқали тартибланиб туриши зарурияти кўрсатилган. Буюк мутафаккир Аристотель тadbиркорликнинг жамиятда ижтимоий мувозанатни сақлаб турувчилик функциясини эътироф этиб, «адолатли давлат»да ҳатто деҳқон ва ҳунармандлар ҳам хусусий мулк эгаси бўлиши мумкин, деган хулосага келади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг «Вандидод» қисми, 4 фарғард, 24-35 бандларида кўрсатилишича, мулкый муносабатлар, товар-пул айирбошлаш орқали жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида асос сифатида олинган. Ушбу муносабатлар тартибга солинишида «митра» деб номланган шартнома ва битимларнинг аҳамияти катта бўлган. Марказий Осиё халқларининг қадимги кўлёмаси «Авесто» нафақат диний, балки халқлар тарихидан сўзловчи манба бўлиб, унда деҳқончилик ва чорвачилик билан бир қаторда тadbиркорлик ҳақида алоҳида маълумот берилган. Жумладан, жамиятнинг таркибий тузилиши тўғрисида бир қатор фикрлар ёзилган. «Қадимги деҳқончилик минтақаларида дастлаб бошқарув тизимининг тепасида қоҳинлар турган. Улар «чорва ва яйлов эгаси». Жангчи аскарлар бу орийлар бўлиб, қоҳинлардан кейинги мулк эгалари ҳисобланган». Демак, тadbиркорликнинг асосида ётувчи мулкый муносабатлар мамлакатимизда қадимдан тартибланган фаолият тури сифатида аҳолининг ижтимоий фаровонлигига хизмат қилиб келган. Шунингдек, китобда савдо йўлларининг ривожланиши билан «Ложувард йўли» ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Ушбу савдо йўли орқали ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар замири таъминланишига бадавлат тadbиркор инсонларнинг ижтимоий фаоллиги асос бўлган.

Қадимги дунёда Хитойнинг ўрни ва аҳамияти тadbиркорлик ривожини учун катта ҳисса қўшган. Осиёнинг турли давлатларини узвий боғлаб турган карвон йўли, яъни Буюк Ипак йўлининг савдо-сотиқдаги тарихий аҳамияти катта бўлди. Ушбу карвон йўли орқали нафақат ташқи, балки ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатлар мисли кўрилмаган даражада ривожланиб борди. IX-XII асрларда Мовароуннаҳрнинг халқаро маданий алоқалари кенгайиб, М.Хайруллаев фикрига кўра, ишлаб чиқариш кучлари ўсди, ҳунармандчилик, шаҳар ҳаёти юксалди.

Ўрта асрларда тadbиркорлик билан шуғулланувчи кишилар ҳунармандчилик гильдияларига бирлашиб, ўзаро кўмак тизимини шакллантирган. Кичик тadbиркорлар орасида шериклик шартномасининг қуйидаги турлари мавжуд бўлган: 1) капитални киритиш кесимида фойданинг $\frac{3}{4}$ қисмига даъвогарлик қилиш; 2) тенг шериклик асосида соф даромад $\frac{50}{50}$ тақсимланади; 3) оилавий тadbиркорлик асосида маблағ хонадон кўлида тўплаб юритилади.

Маълумки, оилавий бизнес, касаначилик, томорқа хўжалиги, майда тadbиркорлик ўзбек миллатининг турмуш тарзига хос хусусиятлардан биридир.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг улкан салтанатини бошқаришда машварату маслаҳат ва тadbирлар билан иш юритган: «Ғажрибамда

кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки, тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради» – дейди.

Улуғ мутафаккир Ҳазрат Алишер Навоий тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамияти борасидаги фикрлари нафақат унинг асарлари, балки амалий фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Қатор тиббиёт масканлари, ўнлаб кўприк ва работлар қуриш орқали ҳам тадбиркорликнинг давр руҳига мос жиҳатлари шаклланишига хизмат қилган.

XVIII асрдан бошлаб Европа мамлакатларида тадбиркорлик фаолиятини илмий ўрганиш анъанасига асос солинган ҳамда у қуйидаги тўрт асосий йўналишда давом эттирилган:

1. Бозор муносабатлари ривожланишига туртки бўлган дастлабки назарий-концептуал ёндашувларнинг тизимлаштирилиши. Ушбу йўналиш вакилларида Ричард Кантильон тадбиркорликка ўз илмий қарашларини «Савдонинг табиати ҳақида умумий қарашлар» эссесида ифода этган ва биринчилардан бўлиб илмий истеъмолга «тадбиркор» (фр. *entrepreneur* – «воситачи») атамасини киритган. Шу даврнинг йирик иқтисодчиси Адам Смит бизнесни таърифлар экан, уни соф фойда олиш учун муайян тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадини кўзловчи таваккалчи-мулкдор инсон сифатида гавдалантирган. Жан-Батист Сей эса «мулк, меҳнат ва капитал»ни жамият бойлигининг асосий манбаси, деб билади. Рональд Коуз бозорда тадбиркорлик фирмаларининг шаклланишини илмий асослаб берган.

2. Тадбиркорликни инновацион фаолият эканлигини исботловчи ғоялар мажмуасидан ташкил топади. Иқтисодчи, социолог Йозеф Шумпетер 1912 йилда чоп этилган «Иқтисодий тараққиёт назарияси» асарида тадбиркор – новатор, ижодкор инсон сифатида ўзининг уддабуронлиги билан ташкилий-бошқарув ишларини амалга оширади ва бунда ижодкорлик қобилиятини намоён этади. Й.Шумпетер тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч, деб атаган. Унинг фикрича – «Тадбиркорлик – бу хўжалик субъекти бўлиб, унинг асосий функцияси ишлаб чиқариш жараёнида янги комбинацияларни амалга ошириш, турли хил инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш учун муомалага киришишдир».

3. А.Маслоу, Р.Май, С.Рожерслар ўз қарашларида тадбиркорнинг шахсий хусусиятларида диққатни жамлайди. «Ўзини намоён этишни истаган инсонлар, ҳеч бир истисносиз бирор бир бизнес билан шуғулланиб, ўзларини тадбиркорликка бахшида этсалар қадрли бўлган манба – касб-корга эга бўладилар. Бунинг учун киши ўз хоҳиши билан идрок қилинадиган ишни амалга ошириши, чорасиз ҳаёлларни рад этиши, чалғитувчи ёлғон эътиқодлардан халос бўлиши керак».

4. Тадбиркорлик фаолиятининг бошқариш хусусиятларини илмий тадқиқ этишдан иборат бўлиб, кишиларни бошқариш мураккаб жараён бўлганлиги учун инсон ресурслари тизим сифатида олинган. Ушбу тизим бирмунча мураккаб бўлиб, тадбиркорликнинг ретроспектив кўрсаткичларини ўрганиш ва янгича тенденцияларни ўрнатиш орқали фаолиятдаги истиқболли прогнозларни беради.

Кадрларни бошқариш тизимида чуқур ўйланган иқтисодий самарадор сиёсат юритиш орқали корхона даромади оширилади.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлса-да, уларнинг социолінгвистик тафсилотларида айрим тафовутлар учрайди. Инглиз тилидан «business» – «иш, машғулот, ишчан фаоллик, доимий машғулот, касб, савдо-сотиқ» маъноларини англатади. Немис тилидан олинган «Geschäft», «Busineß» – «иш, машғулот, келишув, савдо операцияси» деган маъноларни англатса, италиянча «affare» – «иш, машғулот, меҳнат, келишув, хусусий корхона» маъноларида қўлланилади. Шунинг асносида: «Бизнес субъекти – бу иқтисодий манфаат, ишлаб чиқариш, ўзлаштириш, истеъмол, сақлаш, қайта ишлаш ва моддий-маънавий бойликлар алмашинувига йўналтирилган фаолият субъекти бўлиб, унинг иштирокчилари ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкин».

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «тадбиркор» сўзи сифатни ифодалаб, «бирор ишни рўёбга чиқариш учун амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар» маъносини англатадиган арабча *тадбир* отига тожикча – *кор* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, «ўйлаб, режа билан фаолият олиб боровчи» маъносини англатади. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасида «тадбиркорлик фаолияти» тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: «Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир».

Тадбиркорликни социологик ўрганишда биологик-генетик (яъни ирсий мойиллик) назариялар билан бир қаторда ижтимоий-маданий омилларни ҳам боғлаб ўрганиш тенденцияси кузатилади. Биологик детерминизм назариясига мувофиқ, ота-онаси тадбиркорлик билан шуғулланувчи болаларда ирсий мойиллик интеллектуал қобилият ва шахсий сифатларга нисбатан юқорилиги таъкидланади. Социологияда тадбиркорликка мойиллик ижтимоий-маданий омиллар билан боғлаб ўрганилади. Хусусан, М.Вебер ва В.Зомбарт ўзига хос «тадбиркорлик руҳияти» ҳақида гапириб, уни турли қатлам вакилларининг ижтимоий меъёрлари ва анъаналарига чуқур сингиб кетган, деб билладилар. Социологияда ушбу йўналиш бизнес субъектининг фаол шахси (актор) сифатида, социал мобилликка мойиллигини кўрсатадиган ва мақсадли интилишларни амалга оширадиганлар сифатида қаралади (Т.Парсонс).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамиятда ўрта синф вакилларининг катта қисмини ҳосил қилади. Зеро, россиялик тадқиқотчи А.Далгатованинг фикрига кўра: «Ўрта синф бир томондан жамиятнинг барча гуруҳлари вакиллари учун очиқ бўлса, иккинчи томондан, нуфуз пиллапоялари (карьер)дан кўтарилиш истагида бўлганларга ижтимоий жозибатор қатлам саналади». Шу боис, замонавий жамиятларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакиллари «анъанавий» (яъни ўрта синфнинг типик вакиллари – Н.А.) сифатида ўрта синф вакилларини ташкил этадилар. Шунингдек, иқтисодчи олим А.Ортиқов ҳам ўзининг «Иқтисодий-

ҳуқуқий атамаларнинг изоҳли луғати» номли илмий рисоласида «тадбиркорлик» тушунчасига қуйидагича таъриф берган: «Тадбиркорлик – амалда қабул қилинган қонунлар доирасида корхона, фирма ташкил қилиш, фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш (ёки хизмат кўрсатиш) билан шуғулланувчи фаолият. Тадбиркорлик фаолияти бир ёки бир неча хусусий ва ҳуқуқий шахслар мулкларини ёки қарзга олган мулк, тўлов воситаларини ишга солиш орқали амалга оширилади».

Тадбиркорликда инсон салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш ташкилий хулқ-атворнинг асосий компонентларини ҳосил қиладиган жараён ҳисобланади. Бунда иқтисодий йўналтирилган инсон модели (*homo economicus*)дан ижодий йўналтирилган инсон (*homo creativus*)га ўтиш содир бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Халқаро аналитик бюронинг маърузасига кўра, (The Economist Intelligence Unit), бугунги кунда моддийликдан кўра айнан интеллектуал компонент ёрдамида тадбиркорлик ва бизнес соҳасида самарадорликка эришиш нуфузли ҳисобланади. Зеро, иқтисодчи олим А.Ўлмасовнинг таърифига мувофиқ: кичик бизнес – кишилар (мулкчилик) субъектларининг моддий ва пул маблағларини (капиталини) амалда хўжалик оборотига, даромад топишга мўлжаллаган бўладилар. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятда ўрта қатламнинг қудратли ижтимоий-иқтисодий драйвер эканлигини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг «**Замонавий жамиятларда социал мобиллик – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш омили сифатида**» деб номланган иккинчи бобида кичик бизнес ва тадбиркорликда социал мобиллик феномени: илғор давлатлар тажрибаси ҳамда айни соҳа ижтимоий-иқтисодий тараққиёт драйвери сифатида эканлиги мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳолатининг ижтимоий-статистик кўрсаткичлари билан ўрганилган.

Социал мобиллик жамият тараққиёти давомида ижтимоий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ кечувчи жараён саналади. Ижтимоий трансформациялар ва уларнинг табиати қандай бўлишидан қатъи назар улар жамиятда социал мобиллик оқимларининг кучайишига олиб келади. Социал мобилликнинг илмий дискурсларда муҳокама этилишида бандлик соҳаларида, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бир соҳадан иккинчисига ўтиши ёки меҳнат билан банд аҳоли қатламининг ишлар қаторига тушиб қолиш кесимида ўрганилади. ХХ асрнинг атоқли социолог олими П.Сорокин фикрича, «социал мобиллик ҳар қандай индивид фаолияти орқали яратилган ёки модификациялашган социал объект (қадриятнинг)нинг бир ижтимоий мавқеъдан иккинчисига ўтиши тушунилади». П.Сорокин социал мобиллик замирида таълим тизими ётишини кўрсатади. Унинг фикрига кўра, ушбу маънода таълим ва тадбиркорлик «социал элеватор» ролини ўтайди. Тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланиш кишининг бир ижтимоий қатламдан иккинсига ўтишини англатади. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги ВМ-132-сон «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги қарорида келтирилган «ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига срафланган харажатларнинг 75 фоизгача қисмини қоплаш, ҳар бир битирувчининг базавий

ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) тўрт бараваридан ортиқ бўлмаган қисми, касб-ҳунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг бир ойгача, бир ойдан икки ойгача, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун тегишлича БҲМнинг 4, 8, 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми қопланиши» тўғрисидаги бандда айнан социал мобилликка тўхталинади.

Ёшлар ва оилавий муносабатларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун чора-тадбирлар олиб борилад экан, ўрганишлар ва тадқиқотлардан келиб чиқиб, биз унга оид ташаббусларни қўллаб-қувватловчи қуйидаги механизмларни аниқладик.



1-расм. Тадбиркорликка оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш механизмлари⁶


Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти ўзининг мукамал даражадаги инноваторлик шаклига ўтди. Уни шартли равишда икки гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) «*инноваторлар*» – янги технологиялар, маҳсулот турлари ва хизматларни яратувчилар, амалиётга татбиқ этувчилар;

2) «*имитаторлар*» – аллақачон яратилган технологияларни янги соҳа ва тармоқларга кўчириб ўтказувчилар, оммалаштирувчилар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам иқтисодиётнинг ўсишига сезиларли ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг сўнгги ярим йилликда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан кўрсатилган хизматларда ҳам тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичлари қуйидагича ифодаланган.

⁶ Мазкур чизма назарий таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган



2-расм. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан кўрсатилган хизматлар (2021 йил январь-июль ойлари)⁷

Диаграммада кўриниб турганидек, 3, 4, 5-бандлардаги рақамлар кўрсаткичларда социал мобиллик учун трансформациялашув элементлари келтирилган.


Россияда ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, худди шундай вазиятда тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишида ўзини айнан ушбу қатламга мансублигини ҳис этиш (идентиклик – А.Н.) муҳим аҳамият касб этади. Бунда нафақат кишининг даромад бирлиги, балки ўзининг имкониятлари ва кўникмаларини баҳолаш даражаси муҳим роль ўйнаб, тадқиқот натижаларига кўра, 92,1 % тадбиркорлар ўзларини муваффақиятли тадбиркор, деб билиши аниқланган. Иккинчи муҳим кўрсаткич ижтимоий фаоллик (социал мобиллик – А.Н.) 60,5 % тадбиркорлар ўзларини ижтимоий жиҳатдан фаол, деб билмайди. 28,9 % эса жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этади, холос. Учинчи кўрсаткич сифатида ижтимоий бирдамлик, яъни умумий мақсад йўлида бирлаша олиш 81,6 % ҳолатда ижобий натижаларни берган.

Анъанавий социал мобиллик имкониятларининг чекланиши виртуал мобиллик каналлари ривожига боғлиқ бўлиб, у интернет технологияларининг тараққий этишига олиб келди. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши муносабати билан социал лифтнинг янги шакли, яъни – рақамли социал лифт шаклланди. Бунга тўртки бўлган бош омил «online бизнес» тармоқларининг шиддатли равишда тараққий этиши бўлди. Интернет бугунги пандемия шароитида нафақат халқаро брендлар, компанияларнинг ўз даромадини ўстиришда янги ва ўта самарали усул бўлиб, қайсидир маънода

⁷ Мазкур чизма Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

кичик бизнеснинг синиб кетиши олдини олди. Лекин, шундай бўлса-да, эътироф қилишимиз керак, халқаро пандемия шароитида кенг тарқалган COVID-19 коронавируси кичик ва ўрта бизнес фаолиятига жиддий ва сезиларли таъсир ўтказди.

